

**TURKISTON TARAQQIYPARVARLARI MEROSI:  
TARIXIY TAJRIBA VA MILLIY O'ZLIK"  
MAVZUSIDAGI XALQARO ILMIY ANJUMAN**

**BUKHARA  
HAND PRINT**

**BUXORO DAVLAT  
PEDAGOGIKA  
2021 INSTITUTI**



**MATERIALLAR TO'PLAMI**

**Buxoro-2026  
12-mart**



- 
- 
5. Xo‘jayev A. Jadidlar va milliy birlik g‘oyasi. – Toshkent: Fan, 2012. – B. 45–70.
  6. Dolimov U. Jadidchilik va milliy matbuot. – Toshkent: Fan, 2006. – B. 67–95.
  7. Karimova S. Jadidlar va ayollar ta’limi masalasi. – Toshkent: Fan, 2009. – B. 23–45.
  8. Abdullayev R. Jadidlar va diniy islohotlar. – Toshkent: Sharq, 2011. – B. 56–78.
  9. Fitrat A. Tanlangan asarlar. 1-jild. – Toshkent: Ma’naviyat, 2000. – B. 34–67.
  10. Karimov N. Jadidchilik va jahon madaniyati. – Toshkent: Sharq, 2013. – B. 45–78.
  11. Lazzerini E. Ismail Bey Gasprinskii and Muslim Modernism in Russia. – Seattle: University of Washington, 1973. – P. 45–90.
  12. Rajabov I. Turkiston va musulmon olami: madaniy aloqalar. – Toshkent: Sharq, 2011. – B. 56–89.
  13. Dolimov U. Jadid matbuotining ijtimoiy ta’siri. – Toshkent: Fan, 2008. – B. 78–105.
  14. Qosimov B. Mustamlaka davrida Turkiston matbuoti va senzura. – Toshkent: G‘afur G‘ulom, 2005. – B. 34–67.
  15. Toshmatov O. Jadid matbuoti va o‘zbek adabiy tilining shakllanishi. – Toshkent: Fan, 2014. – B. 23–55.

## **САЪДИДДИН ҲАМАВИЙ ВА НАЖМИДДИН КУБРО: МУРИД ВА МУРШИДЛИК МУНОСАБАТЛАРИ**

*Ражабов Алишер Шавкатович*

*Бухоро давлат педагогика институти мустақил изланувчиси*

Саъдиддин Ҳамавий<sup>155</sup> Хуросонда тўрт-беш авлоддан бери илмий, сиёсий ва ҳарбий соҳаларда муҳим мавқеларни эгаллаб келган оиланинг фарзандидир<sup>156</sup>. Тўлиқ исми Муҳаммад ибн ал-Муайяд ибн Абу Бакр ибн Абулҳасан ибн Муҳаммад ибн ал-Ҳаммуядир. У 586/1191 йилда ота юрти Баҳрободда дунёга келган. Умрининг кўп қисмини узоқ саёҳатларда ўтказган. Васиятномасида йигирма беш йил турли мамлакатларни кезганини ва ҳамон сафарда эканини шахсан ўзи ифода этади. 600/1203 йилда Шодиёҳда, 604/1207 йилда Баҳрободда бўлган Саъдиддин, 605/1208 йил Муҳаррам ойида илм таҳсил қилиш учун Хоразмга борган. 609/1212 йилгача бу

---

<sup>155</sup> Ушбу нисбанинг турли шаклларда ўкилиши кузатилади. Масалан, “Ҳамавий, Ҳамуя, Ҳамувайх, Ҳамавийя” каби. Шайх Саъдиддиннинг оиласи Суриянинг Ҳама шаҳридан бўлмагани учун “Ҳамавий” деб ўкиш чалкашликка сабаб бўлишини инобатга олиб, биз “Ҳаммуя” деб ёзишни афзал кўрдик. Шайх Саъдиддиннинг “ал-Мисбоҳ фи-т-тасаввуф” асарини нашрга тайёрлаган Нажиб Моил Ҳиравий ҳам, ДИАдаги Нажмиддин Кубро ҳақидаги мақолани ёзган Ҳамид Алгар ҳам шу тарзда ёзишни маъкул кўрганлар. Бу баҳсли масала юзасидан қаранг: Элиас, “The Sufi Lord of Bahrabad: Sa‘d al-Din and Sadr al-Din Hamuwayi”, ss. 53-55.

<sup>156</sup> Sa‘id Nefisi, “Hānedān-i Sa‘deddīn Hammūye”, ss. 6-39.

ерда машхур олим Шаҳобиддин Ҳивақийдан дарслар олган. Шундан сўнг бир неча йил Нишопурдаги Султонийя мадрасасида Муинуддин Жожармий (ваф. 613/1216) ўрнида мударрислик қилган; зоҳирий илмларни тарк этиб, тасаввуфга юзланган ва Хуросонга ўтган. Сўнгра Ҳижозга бориб, ҳаж амалини адо этган ва яна Хуросонга қайтган. Аниқ санаси маълум бўлмаса-да, 614–616 йилларда Нажмиддин Куброга боғланган, 616/1219 йил Зулҳижжа ойининг охирларида ижозат олган ва мўғуллар истилосидан олдин бу ҳудудни тарк этган. Шундан кейин яна саёҳатларни бошлаган Ҳамавий Макка, Мадина, Мосул, Бағдод, Миср, Ҳимс, Ҳалаб, Шом каби кўплаб шаҳарларни кезган. 644/1246 йилда Омулда эканлигида ўғли Садриддин Иброҳимнинг туғилгани ҳақидаги хабарни олган. 644–648 йиллар оралигида Хуросонга бир неча бор келиб-кетган. 648/1250 йилда яна Омулда эканлигида иккинчи ўғли Хожа Яҳёнинг туғилгани ҳақидаги хушхабар унга етказилган. 649/1251 йилда Хуросонга сўнгги марта келган ва ўша йили 18-Зулҳижжада вафот этган. Чунки Саъдуддин бу йили Шайх Кубродан ижозатини олган ва мўғуллар истилосидан олдин Хоразмни тарк этган эди. Саъдиддин Ҳамавийнинг “Мурод ул-муридин” асарида Шайх Саъдиддиннинг хилват шайхи Нажмиддин Кубронинг уч юздан ортиқ муриди бўлгани қайд этилган. Нажмиддин Кубро атрофида сони олтмишга етадиган муридлар оммаси шакллана бошлаган. Улар орасида тасаввуф адабиётида ўз асарлари билан из қолдирган Маждуддин Бағдодий (ваф. 616/1219), Нажмиддин Доя (ваф. 654/1256), Саъдиддин Ҳамавий, Сайфуддин Бохарзий, Радиуддин Али Лоло каби мутасаввифлар бўлган.

Нажмиддин Кубродан қайси шогирдини афзал кўриши ҳақида сўралганда, “Саъдиддин Ҳаммуйий ва Азизуддин Розий” деб айтган ва “Аммо Саъдиддин тоир (учувчи), Азизуддин эса соир (юрадиган)” деб Саъдиддиннинг афзаллигини кўрсатган. Бошқа бир ривоятда эса Нажмиддин Кубро: “Барча солиқлар Аллоҳ таолонинг толибидир, аммо Саъдиддин унинг матлубидир”- деб унинг бошқа муридлардан устунлигини билдирган. У ўз шогирди Ҳамавийга бўлган ҳайратини унга берган ижозат матнида ҳам акс эттирган. У унга берган ижозат матнида бошқа шогирдларига берганидан фарқли ўлароқ, Ҳамавийни кўп мактаган, уни Ҳақ Таоло хавоссини ризқлантирган маънавий тажрибалар билан озиқлантирган шахс сифатида таърифлаган ва унинг авлиё ва сиддиқлар билан бир хил даражада эканлигини таъкидлаган. Манбалардан маълум бўлишича, Нажмиддин Кубронинг вафотидан сўнг, бошқа кубравий шайхлари ва унга мансуб кишилар Ҳамавий билан яқин муносабат ўрнатишдан ўзларини тортганлар. Бунинг икки асосий сабаби борлиги кўпгина манбаларда қайд этилади. Биринчиси, унинг Кубравия тариқатидан кўра кўпроқ Ибн Арабий мактабининг издошиси сифатида ҳаёт кечирганидир. У бир рисоласида ўзидан олдинги авлоднинг энг буюк сўфийларини санар экан, “Имомул-муҳаққиқин Мухйиддин ибн ал-Арабий, шайх Нажмиддин ал-Кубро ва шайх Шаҳобуддин Сухравардий” шаклида тартиб беради<sup>157</sup>. Унинг Ибн Арабий ҳақидаги “Соҳилсиз бир уммондир” деган сўзини аввалроқ зикр қилган эдик. Унинг Кўнавий билан яқин алоқаси ҳам маълум. Буларнинг барчасини инобатга олганда, Ҳамид Алгарнинг “Саъдиддин Ҳамавий кубравийликни Ибн ал-Арабийнинг ваҳдати вужуд қараши билан бирлаштирган илк кубравий шайхидир. Дастлабки давр кубравийлари

<sup>157</sup> Hammûye, Risâle Der Tasavvuf, Süleymaniye Ktp., Serez, nr. 3931, vr. 33b.

---

---

орасида ундан ташқари бу қарашга мойиллик деярли йўқ ҳисоби”<sup>158</sup>-деган баҳоси анча ўринлидир.

Иккинчидан, Ҳамавий оиласининг мўғул бошқаруви ва сиёсати билан жуда яқин алоқада бўлганлигидир. Бу Кубровийлик тариқати унчалик ҳам маъқулламайдиган бир ҳолат эди. Саъдиддин Ҳамавийнинг ўғли Садриддин Элхонлийлар саройи билан мустаҳкам алоқага эга бўлиб, машҳур мўғул тарихчиси Ато Малик Жувайнийнинг қизига уйланган. Саъдиддиндан хирқа кийган амакисининг тўрт ўғли ҳам мўғулларнинг ҳарбий ва фуқаролик бюрократиясида хизмат қилган. Маждиддин Бағдодий бир мактубида Ҳамавий оиласининг бу тутумидан безовта бўлганини айтади. Эҳтимол, у шикоят қилган кишилар ҳам айнан шулардир. Акс ҳолда, Бағдодийнинг Саъдиддин билан муносабатлари анча яхши бўлгани англашилади. “Нафаҳот”да келтирилган ғоз-тухум воқеасида Шайх Кубро Маждуддин Бағдодийдан ғазабланганида, Бағдодий Саъдиддин Ҳамавийдан шайхи билан ўзининг орасида воситачилик қилишини илтимос қилган.

Биз юқорида зикр этган икки сабабга учинчисини ҳам қўшишимиз мумкин. Бу Шайх Саъдиддиннинг асарларида, хусусан, валоят-нубувват масаласи муҳокама қилинганда, баъзи шиавий мойилликлар мавжудлиги ҳақидаги даъводир. Унинг энг муҳим издошларидан бўлган Азизиддин Насафий (ваф. 700/1300) куйидаги сўзларни шайхидан эшитганини билдиради: “Билгилки, Шайх Саъдиддиннинг айтишича, ҳазрати Муҳаммаддан аввалги динларда валий йўқ эди, валий номи ҳам йўқ эди. Аллоҳга яқин бўлган кишиларни умумий қилиб пайғамбар дейишарди. Ҳар бир динда битта шариат соҳиби бўлиб, уларнинг сони бирдан ошмаган бўлса-да, бошқалар халқни унинг динига даъват қилар ва уларнинг ҳаммасини анбиё деб аташарди. Демак, ҳазрати Одам динида бир неча пайғамбар бўлиб, улар халқни Одамнинг динига даъват этганлар. Нух, Иброҳим, Мусо ва Исо динларида ҳам худди шундай эди. Навбат Муҳаммадга келганда, у: “Мендан сўнг халқни менинг динимга даъват этадиган пайғамбар келмайди. Мендан сўнг менга эргашган ва Аллоҳга яқин бўлган кишиларнинг номи авлиёдир. Бу валийлар халқни менинг динимга даъват қиладилар”, деб марҳамат қилган. Валий номи Муҳаммад динида пайдо бўлди. Аллоҳ таоло унинг умматидан 12 кишини танлаб, ўзига яқин қилди. Уларни ўз валоятига хослаб, ҳазрати Муҳаммаднинг ноиблари этди. Олимлар пайғамбарларнинг ворисларидир. Бу 12 киши ҳақида: “Умматимнинг олимлари Бани Исроил пайғамбарлари кабидир”, дейилган. Шайхга кўра, Муҳаммад умматида бу 12 кишидан ортиқ валий йўқдир. Ўн иккинчиси валийларнинг сўнггиси бўлиб, унинг номи “Маҳдий” ва “Соҳиби Замон”дир. Эй дарвиш, Шайх Саъдиддин бу соҳиби замон ҳақида китоблар ёзиб, уни кўп мадҳ этган ва шундай деган: “Илми ва қудрати камолот даражасидадир. Бутун ер юзини ўз ҳукми остига олади ва адолат билан безайди. Куфр ва зулмни бир лаҳзада ер юзидан йўқ қилади. Ер юзининг барча хазиналари унга аён бўлади”<sup>159</sup>.<sup>468</sup> Насафий бир гал бу борада кўп сўзлаган шайхига эътироз билдирмоқчи бўлган, бироқ Ҳаммуя бу муносабатдан ранжиган: “Хуросонда Шайх Саъдиддиннинг хизматида эканимда, шайх бу соҳиби замон ҳамда унинг қудрати ва камолоти ҳақида кўп муболаға қиларди. Шу даражадаки, бизнинг идрок-

---

<sup>158</sup> Algar, “Necmeddîn-i Kübrâ”, DGA, XXXII, 501.

<sup>159</sup> Azîz Nesefî, İnsân-ı Kâmil (Tasavvufî İnsan Meselesi), haz. Mehmet Kanar, Dergâh Yay., İstanbul, 1990, s. 142.

у фаҳмимиз бунга етмас, ақлимиз бу масалаларни камраб ололмасди. Бир куни унга: “Эй шайх, бундай киши келмаган. У ҳақида бунчалик муболаға қилиш тўғри бўлмас. Балки у бундай эмасдир”, дедим. Шайх ранжиди. Мен ҳам бу сўзни тарк этиб, бошқа бу ҳақда гапирмадим”<sup>160</sup>. Ҳамид Алгар эса бундай сўзлар билан унинг шиа ақидасини қабул қилган деб бўлмаслигини таъкидлаб, шундай дейди: “Бу каби фикрлар баъзан Ҳамавийнинг шиа деб қабул қилинишига олиб келган ва у ҳақда кейинги даврларда баъзи кубравийлар ҳам қабул қиладиган шиаликнинг илк излари кўрилган “дастлабки шиа” таърифи ишлатилган. Аслида, Ҳамавийнинг валоят ва ўн икки имом тасаввурида шиаликни эслатадиган жиҳат йўқ. Унинг ўн икки имом тушунчаси сўфиёна нуқтаи назарга эга муқаддас тарих тушунчасини асослашга уринишдан иборатдир. Айниқса, ўн иккинчи имомни “хотамул-авлиё” деб аташи Ибн ал-Арабий терминологиясидан ўзлаштирилган тушунчадир”<sup>161</sup>. Зоҳирий ва ботиний илмларда ўзига улуш соҳиби бўлган Шайх Саъдиддин анча сермахсул бир ёзувчидир. Унинг “Маҳбубул-муҳиббин ва Матлубул-восилин” ҳамда “Сажанжал ул-арвоҳ” бошчилигида “Зухурут-тавҳид фи нурит-тажрид”, “ал-Иҳсо фи илмил-асмоил-хусно”, “Сакинатус-солиҳин”, “Ҳақойиқул-хуруф”, “Китобул-ҳарф” ва “ал-Мисбоҳ фит-тасаввуф” каби элликдан ортиқ араб ва форс тилларидаги асарлари бор.

#### **Фойдаланилган адабиётлар рўйхати**

1. Algar, “Necmeddîn-i Kübrâ”, DGA, XXXII, 501. Элиас, “The Sufi Lord of Bahrabad: Саъд al-Din and Sadr al-Din Hamuwayi”, сс. 53-55.
2. Azîz Neseî, Insân-ı Kâmil (Tasavvufta İnsan Meselesi), haz. Mehmet Kanar, Dergâh Yay., Istanbul, 1990, s. 142.<sup>1</sup> Saîd 3. Nefîsî, “Hânedân-ı Sa’deddîn Hammûye”, ss. 6-39.
4. Hammûye, Risâle Der Tasavvuf, Süleymaniye Ktp., Serez, nr. 3931, vr. 33b.

### **JADID MUTAFAKKIRLARI ASARLARIDA OILAVIY MUNOSABATLAR VA AYOLLAR HUQUQI MASALASI**

*Tag‘oyeva Dilnavoz*

*BuxDPI, Ijtimoiy fanlar kafedراس dotsenti*

*Hamroyeva Ruxsora Shavqiddin qizi*

*BuxDPI, 1-bosqich magistranti*

XIX asr oxiri — XX asr boshlarida Turkiston ijtimoiy-madaniy hayotida yuz bergan tub burilishlar jadidchilik harakati bilan chambarchas bog‘liqdir. Jadidlar jamiyatni yangilashni, avvalo, ma’rifat va ta’lim tizimini isloh qilish orqali amalga oshirish mumkin, deb hisobladilar. Ular uchun oila jamiyatning eng muhim ijtimoiy

<sup>160</sup> Azîz Neseî, Insân-ı Kâmil (Tasavvufta İnsan Meselesi), haz. Mehmet Kanar, Dergâh Yay., Istanbul, 1990, s. 142.

<sup>161</sup> Algar, “Necmeddîn-i Kübrâ”, DGA, XXXII, 501

|                                                                                                                                                                                        |     |
|----------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------------|-----|
| 109. <i>Ibodulloyev Lazizbek Iskandarbek o'g'li, JADIDLAR MA'RIFAT KONSEPSIYASIDA HUQUQIY ONG VA TARBIYA MASALALARI: ZAMONAVIY OLIY TA'LIM MUHITIDA PROFILAKTIK YONDASHUVLAR</i> ..... | 428 |
| 110. <i>Xudoyqulov Shukrullo, "OILA" ASARIDA MA'NAVIY MUHITNING O'RNI</i> .....                                                                                                        | 432 |
| 111. <i>O'razov Bobir Baxtiyorovich, TURKISTON JADIDLARINING DAVLATCHILIK MASALASIGA OID QARASHLARI</i> .....                                                                          | 436 |
| 112. <i>R.Yu. Rashidov, MUSTAFA CHOQAY VA JADIDCHILIK G'OYASIDAGI TURKISTON AVTONOMIYASINING SIYOSIY ARBOBLARI FAOLIYATI</i> .....                                                     | 438 |
| 113. <i>Филиппов Ольгерд Александрович, ИДЕИ ГУМАНИЗМА ДЖАДИДОВ В УСЛОВИЯХ ЦИФРОВИЗАЦИИ ОБЩЕСТВА: К МОДЕЛИ «ЦИФРОВОГО ПРОСВЕЩЕНИЯ»</i> .....                                           | 445 |
| 114. <i>Ostonov Zafar Zamonovich, Narzulloyev Mavlon Zikrullo o'g'li, JADIDLAR MATBUOTIDA MILLIY O'ZLIKNI ANGLASH VA UMUMINSONIY QADRIYATLAR MUSHTARAKLIGI MASALASI</i> .....          | 450 |
| 115. <i>Ражабов Алишер Шавкатович, САЪДИДДИН ҲАМАВИЙ ВА НАЖМИДДИН КУБРО: МУРИД ВА МУРШИДЛИК МУНОСАБАТЛАРИ</i> .....                                                                    | 453 |
| 116. <i>Tag'oyeva Dilnavoz, Hamroyeva Ruxsora Shavqiddin qizi, JADID MUTAFAKKIRLARI ASARLARIDA OILAVIY MUNOSABATLAR VA AYOLLAR HUQUQI MASALASI</i> .....                               | 456 |
| 117. <i>Камол Ишанкулович Хазраткулов, БУХОРО АМИРЛИГИДА ЖАДИДЧИЛИК ҲАРАКАТИНИНГ ПАЙДО БЎЛИШИ ТАРИХИДАН</i> .....                                                                      | 460 |
| 118. <i>Farxodjonova Nodira Farxodjon qizi, JADIDLAR MA'NAVIY MEROSIDA MA'RIFATLI JAMIYAT VA YANGI MA'NAVIY MAKON YARATISHNING IJTIMOIIY-FALSAFIY ASOSLARI</i> .....                   | 465 |
| 119. <i>Tilloyev Ulug' Umarovich, JADID MAKTABLARIDA DINIY VA DUNYOVIY FANLARNING UYG'UNLASHTIRILISHI: USULI JADID TAJRIBASI</i> .....                                                 | 471 |
| 120. <i>Naimov Dostonbek Rustamovich, XX ASR BOSHLARIDA TURKISTONDA SHAKLLANGAN IJTIMOIIY-SIYOSIY MUHITDAIJTIMOIIY ADOLAT G'OYASI</i> .....                                            | 476 |
| 121. <i>Jamolova Maftuna Muyidinovna, TURKISTONLIK LARNING "NAJOT YO'LI"</i> ...                                                                                                       | 480 |
| 122. <i>Narzullayeva Nasiba Ibragim qizi, XAYRINISO MAJIDXONOVANING HAYOTI VA 1930-YILLARDAGI SIYOSIY QATAG'ON JARAYONLARI</i> .....                                                   | 483 |
| 123. <i>Sadiyeva Rohat Bahritdinovna, JADID MATBUOTIDA DAVRIY MUAMMOLARNING YORITILISHI ("OYINA" JURNALI MISOLIDA)</i> .....                                                           | 488 |
| 124. <i>Karimjonova Shahlo Ravshanjonovna, Ma'rufjonova Muharramoy Sherzodjon qizi, MILLIY UYG'ONISH VA JADID G'OYALARI</i> .....                                                      | 492 |
| 125. <i>Nargiza SODIQOVA, "TARJIMON" GAZETASIDA TURKISTONDAGI IJTIMOIIY MASALALARNING TAHLILI</i> .....                                                                                | 496 |
| 126. <i>O'rinov O'tkirbek Nodir o'g'li, JADIDLAR MEROSI VA ZAMONAVIY YOSHLAR MA'NAVIYATI: TARIXIY TAJRIBA VA INNOVATSION YONDASHUV</i> .....                                           | 502 |
| 127. <i>Norqulova Munisa Shamsiddinovna, JADIDLAR MA'NAVIY MEROSIDA BOLALAR HUQUQLARI G'OYALARINING IJTIMOIIY-FALSAFIY TALQINI</i> .....                                               | 505 |
| 128. <i>Кошмат кызы Альбина, ГАРМОНИЯ НАЦИОНАЛЬНЫХ И ОБЩЕЧЕЛОВЕЧЕСКИХ ЦЕННОСТЕЙ В ПЕДАГОГИЧЕСКОЙ МЫСЛИ ДЖАДИДОВ ТУРКЕСТАНА</i> .....                                                   | 511 |
| 129. <i>Hayitmurodov Musulmon Sunnat o'g'li, JADIDLARNING MA'RIFATPARLIK G'OYALARI-JAMIYATDA HUQUQIY MADANIYAT VA QONUN USTUVORLIGINI TA'MINLASHNING TARIXIY-FALSAFIY ASOSI</i> .....  | 513 |
| 130. <i>Ashirova Hilola Zaripovna JADID MA'RIFATCHILARI ASARLARIDA OILA VA TARBIYA MASALALARI: BUGUNGI ZAMONAVIY OILA MODELI BILAN QIYOSIY TAHLIL</i> .....                            | 515 |